# «TURKISTON» XUSUSIY AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI BOSHQARUVINING QARORI

№ 43/4

Toshkent sh. 2015 yil 27 ноябрь

**“Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкининг 2016 йилга белгиланган бизнес-режасини ҳамда “Даромадлар ва харажатлар” сметасини кўриб чиқиш тўғрисида**

Банкнинг “Стратегик ривожланиш дастури” ва мавжуд потенциал имкониятларидан келиб чиқиб Ғазначилик бошқармаси томонидан банкнинг таркибий тузулмалари иштирокида тузилган 2016 йилга белгиланган бизнес-режа лойиҳаси банк Бошқаруви томонидан ўрганилиб чиқилди. Ушбу масала бўйича киритилган таклифларни эътиборга олиб, бўлиб ўтган муҳокама ва музокаралардан сўнг **банк Бошқаруви**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2016 йилга мўлжалланган Бизнес-режа лойиҳаси таркибидаги “Даромадлар ва харажатлар” сметасига (банк бюджетига) киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни эътиборга олиб маъқуллансин.
2. Банк активлари ўсиши жараёнини ва уларнинг даромадлилиги даражасини оширилишини таъминланганлигидан келиб чиқиб банкнинг 2016 йилнинг якунига 126.3 млрд.сўм активлар, 93.1 млрд. сўм мажбуриятлар ва 33.2 млрд. сўм капитал билан белгиланган прогноз баланси маъқуллансин.
3. Даромадлар хажми – 20 566 млн.сўм, харажатлар 17 820 млн.сўм ва соф фойда 2 746 млн.сўм миқдорида белгиланиб, бизнес-режа лойиҳасида акс эттирилсин.
4. Мазкур бизнес-режа лойиҳаси банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши учун навбатдаги Кенгаш мажлисига киритилсин.

**Бошқарув раиси** **О.Мирсагатов**

**Бошқарув аъзолари:**

Бошқарув раиси ўринбосари
Ш.Ш.Исматуллаев

Юридик хизмати бошқармаси
бошлиғи А.Р.Бекчанов